

Аллоҳнинг борлигига далил



07:10 / 31.07.2019 1621

Бир киши Жаъфар ас-Содиқ розияллоҳу анҳуга: «Аллоҳнинг борлигига қандай далил бор? Фақат менга олам, ундаги дунё матоҳи ва дуру гавҳарлардан далил келтирма!» деди. Жаъфар розияллоҳу анҳу унга: «Денгизга тушганмисан?» деди. У: «Ҳа», деди. Жаъфар розияллоҳу анҳу: «Денгизда кетаётганингда шамол туриб, денгизга чўкиб кетиш хавфи бўлдимми?» деди. У: «Ҳа», деди. Жаъфар розияллоҳу анҳу: «Тагингдаги кема ва ёнингдаги денгизчилар сени қутқара олишидан умидинг узилдимми?» деди. У: «Ҳа», деди. Жаъфар розияллоҳу анҳу: «Ўша ерда сени қутқарадиган кимдир борлигини ҳис қилдингми?» деди. У яна: «Ҳа», деди. Жаъфар розияллоҳу анҳу: «Ана ўша Зот Аллоҳдир!» деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан